

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда. СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Чорвадорларнинг республика кенгаши

Мўлчилик бўлсин учун

Гўшт ва балиқ маҳсулотлари ишлабчилик, 25 килограмм келадиган қурак гушти, қорақул ва қўй терисидан тикилган буюмлар, хилма-хил халқ истеъмоли моллари... Чорвадорларнинг республика кенгаши 25 март куни Тошкентда ана шу кўрғазмани бориб кўришдан бошлагани. Ҳозирги вақтда бундай экспонатларни дўконларимиз пештахталарида учратиб қийин. Айни пайтда чорвадор ҳўжаликларимиз, қайта ишловчи корхоналар қандай қилиб аъло сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариши мумкинлигини кўрсатиши. Фақат республика аҳолисини чорва маҳсулотлари билан таъминлаш йўлини топиш лозим. Бу йўл қандай? Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалик вазири Н. К. Қасимов бошқарган кенгашда шу мавзу асосий масала бўлди.

Кенгашда Қишлоқ ҳўжалик вазирининг биринчи ўринбосари А. А. Йўлдошев маъруза қилди. У тармоқнинг ҳозирги аҳволига баҳо бериб, бу аҳволни яхшилаш учун аниқ чора-тадбирларни тақдир этди.

Республика раҳбарияти чорвачиликни ривожлантиришга жуда кўп эътибор бераётгани маърузада ва нутқларда таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўнгги вақтда қабул қилинган фармойишлари, ҳукуматнинг қарорлари чорвадорларни иқтисодий ҳимоялашга, уларнинг турмуши ва унумли меҳнат қилиши учун яхши шароит яратишга, аҳолини энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммосини

ҳал қилишга қаратилган. Шунга қарамай ҳозирги вақтда республикага ташиқариладан кўп миқдорда гўшт келтиришга тўғри келмоқда, сут, тухум кам етиштирилмоқда, чорвачилик маҳсулотларининг бошқа турларини етиштириш имкониятлари тўла очилмаган.

Бу ишга тўқинлик қилган асосий нарса озунча қўйнинг етарли эмаслигиндир, деб таъкидланди кенгашда. Бошқа барча вазифаларнинг ҳал этилиши, аввало чорва моллари ва паррандаларининг кўпайиши озунча базасини ривожлантиришга боғлиқ. Шу билан бир вақтда подларни наслдор моллар, серсут сигирлар билан тўлдирини, бу ишни илғор тажрибадан фойдаланиб, илмий асосда олиб бориш тўғрисида ўйламоқ зарур.

Пахтакор ва сабзавоткор ҳўжаликлар ҳам чорвачилик, сут-товар фермаларни ташкил этиш билан шуғулланаётганини маърузада таъкидланди, дейиши кенгаш қатнашчилари. Бу фермаларда ҳам гўшт, ҳам сут, ҳам зотдор буюқлар етиштирилади. Зотдор моллар кўп бўлган жойларда сут етиштириш аста-секин қўлаб бормоқда. Масалан, Фарғона вилоятининг Қува туманидаги «Ҳақиқат» жамоа ҳўжалигида серсут сигирларни кўпайтириш хисобига йил давомида ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут тўрт миң килограммга етказилди.

Селекция наслчилик ишлари муваффақиятли олиб борилаётганини кўрсатувчи бошқа миқдорлар ҳам бор. Ҳозир четдан зотдор молларни сотиб олиш қийинатга тушади, шу сабабли ҳўжаликларда сермаҳсул моллар етиштириш билан жиддий шуғулланиш лозим. Чорва молларини бошида зоотехника қўдаларига, молларни боши рационал, рига рию этилмаётгани чорвачиликдаги асосий камчиликдир. Яхши боқмаслик оқибатида зотдор сигирлар маҳсулдорлиги ҳам камайиб кетмоқда. Сунинг учун илғор тажрибадан фойдаланиб, дегад нотўғри фикрдан ҳам қўтилиш керак. Тажриба бунинг асоси кўрсатмоқда.

Шу йилдан бошлаб, етиштирилган зотдор моллар давлат буюртмаси ҳисобига иштирок этилиши, бунинг учун давлат захираларидан қўшимча равишда тақчил омухта ем ажратилади. Бу — республикадаги наслчилик билан шуғулланувчи ҳўжаликларни ишга рағбатлантириш чоралари мажмуининг бир қисми ҳоло. Бу чоралар маҳсул қонунда акс этиши лозим.

Кенгашда гўшт етиштириш муаммолари батафсил муҳокама қилинди. Бу муаммоларни чорва молларни сўқима боқининг жадвал негизидан ҳал этиш, бўрқоқчилик базалари ташкил этиш лозимлиги айтиб ўтилди. Ҳозирча қўлпана ҳўжаликлар оқиқ молларни гўшта топширмақда. Бу эса ҳўжаликларнинг ўзинга ҳам, истеъмолчиларга ҳам зарарлидир, яъни истеъмолчилар гўштини анча кам олади. Чўчкачилик ва паррандачилик тўғрисида ҳам худди ана шундай гапларни айтиш мумкин. Республика фермаларида кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнларни механизациялаш муваффақиятли давом этаётгани таъкидлаб ўтилди. Лекин эҳтиёт қисмлар ва механизмлар нархи ошиб

кетганлиги сабабли мавжуд техникани аялаб асраш зарур. Ем-хашак етиштириш энг асосий масалалар, дейиши кенгаш қатнашчилари. Бу соҳадан иш қонқарили эмас. Пахтадан бўшатиб берилган ерлардан самарали фойдаланилмапти, кўп ҳўжаликлар озунча экинларидан кам ҳосил олмақда. Бу тармоқ ҳануз кўпича иккинчи даражали деб ҳисобланмоқда. Утган йили 32 миң озунча бирлиги кам олинди, бошқача қилиб айтганда истеъмолчи 120 миң тонна сут ва 15 миң тонна гўштини кам олинди. Озунча сифатини ҳам яхшилаш зарур. Баъзан уларнинг тўқинлиги мет-еблагидан 20—30 фоиз кам бўлади.

Қўйчилик соҳасида катта ижобий силжишлар борлиги қайд этилди. Тармоқ фаолиятини яхшилаш, унинг ҳодимларини иқтисодий ҳимоялаш юзасидан республика раҳбарияти кўрган чора-тадбирлар самара бермоқда. Топширилган маҳсулот учун шартномавий нархлар жорий этилмоқда, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қорақулчи» фахрий унвони таъсис этилди, қорақул тери ва жундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган цехлар ва қайта ишлаш корхоналари барпо этиш қўлаб-қувватланмоқда. Ўзбек қорақули жаҳон бозорига таъин ҳам харидорлиги бўлишига эришмоқ керак. Шу муносабат билан Бухорода қорақул ва мўйна сотадиган кимовиди савдо-сина ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Бизда паррандачилик қийин аҳволга тушиб қолди, дейилди кенгашда. «Ўзбе-

кстон паррандачилик соҳасига қарашли 23 та паррандачилик фабрикасини озунча етишмаслиги сабабли беритиб қўйишга тўғри келди. Бинобарин, парранда гушти ва тухум етиштириш шунга мувофиқ равишда қайта қўйиш ва тухум етиштириш учун резервларни қидириб топишлари керак. Тармоқ давлат ёрдамисиз ўзини ўнглай олмайдди албатта, дейишди нотқлар.

Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар олдига тез ҳал этиш лозим бўлган мураккаб вазифалар турлиби. Холлийликларни қўриш, мукамалроқ машина-ускуналарни сотиб олиш шулар жумласидандир. Ҳозирги иқтисодий вазиятда пахта сотиш ҳисобидан сут заволлари ва гўшт комбинадларини янгилашга муваффақ бўлишмоқда. Пиллоқ, казеин, гўшт консервлари тайёрлаш учун хоржидан машина ускуналар сотиб олиш кўзда тутилмоқда. Ана шу корхоналарнинг ҳаммаси бу йил акционерлик корхоналарига айлантирилади, гўшт ва сут етиштирилади, чорва моллар сўқима боқилган ҳўжаликларга мол-мулк хусусийлаштирилади, ижарага берилди. Булар шубҳасиз яхши натижа беради.

Кенгашда пиллачилик, асаларчилик ишларининг аҳоли ва уларни ривожлантириш истиқболлари, байтарик — ветеринария хизматининг аҳоли муҳокама қилиниши. Кенгаш қатнашчилари тармоқнинг барча ҳодимларига мурожаатнома қабул қилиб, ишни яхшилашга, чорвачиликни ривожлантиришга қўлоқликни тугатишга даъват этилди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Н. Ҳ. Жўраевнинг нутқи эштилди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг даълат маслаҳатчиси М. Умураевнинг иштироки эштилди.

П. НИШОНОВ, Г. КОВАЛЬ, Э.А. МУХИБРАЛДИ.

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ БИРОДАРИМИЗ

ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуху!

Муқаддас Ийди ал-Фитр бошланиши муносабати билан Сиз жаноби олийларини самимий табриқлайман ва энг яхши қардошлик инстақларини энҳор қиламан. Холқ ва қодир Аллоҳдан келгусида шу байрамга яна эсон-омон етказишини, Сизга сихат-саломатлик, бахт-саодат, қардош халқингиз ва ислом миллатига тараққиёт, фаровонлик ато этишини тилайман.

Икки муқаддас масжид ходими Фаҳд бин Абдул Азиз ас-САУД, Саудия Арабистони подшоҳи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом ҚАРИМОВ жаноби олийларига

Муқаддас Ийди ал-Фитр кириб келаётгани муносабати ила Сиз, жаноби олийларини самимий қутлаш менга катта қувонч бағишлайди. Шу улғ айёда Сизин шахсий бахтингиз ва сихат-саломатлигингиз учун, мамлакатингиз ва халқингиз фаровонлигига зафарлари учун дуолар қилмоқдамиз. Биз шахсан Сизга ва Сиз орқали барча мусулмон халқларига бу байрам тинчлик ҳамда саодат келтиришини тилаймиз.

Оммон султони Қобус бин САИД.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом ҚАРИМОВ жаноби олийларига

Муборак Ийди ал-Фитр муносабати билан Сиз, жаноби олийларини шахсан ўз номимдан, Йордания қироллиги ва ҳукумати ҳамда халқи номидан самимий қутламоқдан, энг яхши ниятларимни энҳор этмоқдан

мамнунман. Биродар халқингизнинг фаровонлиги ва мусулмон миллатининг эрки йўлида Сизга сихат-саломатлик ва бахт-саодат ҳамда эр бўлсин!

Йордания қироли Хусайн БИРИНЧИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом ҚАРИМОВ жаноби олийларига

Қадри Президент Ислом Қаримов!

Буюк байрам Наврўз ва Ийди ал-Фитр муносабати билан чин қалбдан қутловимни қабул этгайсиз. Сизга энг яхши тилақлар ёр бўлсин! Бу қўшалоқ байрам шахсан Сизга буюк зафарлар ва бахт-саодат олиб келсин, Ўзбекистон халқига эса фаровонлик насиб этсин.

Юксак ҳурмат ила,

Холид ар-РИЗО, Саудия Арабистони, Жидда.

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

КАРТОШКА ЭКИЛМОҚДА

ЧИНОЗ. Охунбобоев номли жамоа ҳўжалигида эртаги картошка экишга барвақт киришилди.

— Ер етилди. Олдинда эса ҳамал. Энди экилган уруғ тез унб чиқади, — дейди деҳқон Аҳмадали Ҳайдаров.

Бу йил Равшан Тешабоев бошлиқ 3-бригадда 17 гектар майдонда картошка етиштирилди. Режа 105 центнер қилиб белгиланган. Деҳқонлар 110 центнерни йўлжаламоқдалар.

Картошка экишда механизаторлардан Набижон Оллоев, Турсунбой Сайдалиев, картошкакор уста деҳқонлардан Шавкат Сайдалиев, Зухриддин Ҳайдаров, Бахтиёр Ҳайдаровлар фаол қатнашмоқдалар.

Ҳ. СУЛАЙМОНОВ.

ЭРТА ҲОСИЛ ОЛАДИЛАР

ЗАНГИОТА туманидаги «Мустқил» давлат ҳўжалигида қарам, редиска, картошка энг ишлари ниҳоясига етмоқда. 3 миң тонналик хирмон учун кўриштирилган ҳўжалик деҳқонлари қисқа вақт ичида 30 гектар майдонга сабзавот ва картошка экилди. Яна 30 гектар ерга қарам, редиска, картошка ва қўнатлар экилди. Ҳўжаликда помидор, бақлажон, болгар қалампирни каби экинларнинг қўчқини етиштириш, мевали дархатларга шакл бериш ишлари қизғин борапти.

Парник ва иссиқхоналарда қарам қўчатларидан бўшган ерлар пешма-пеш тайёрланиб, бақлажон, болгар қалампирни экилган эди. Ҳозир бу экинларнинг қўчатлари расад қилинмоқда.

И. ҚУСТАМОНОВ.

МАВСУМГА ТАЙЁР

ЗАНГИОТА район суви ҳўжалиги бошқармасининг ходимлари баҳорги энг мавсумга пухта тайёргарлик қўришди. Хусусан, «Нарзбек» ва «Туркистон» жамоа ҳўжаликларини худудидан оқиб ўтувчи бир неча ариқ зовурлари тозалаб бўлинди. Олти суи нишоотлари қайта таъмирланди. Бу ишда бошқарма қўшиқдаги ҳўжалик ҳисобидидаги техник хизмат кўрсатиш механизаторлари айнақса барқалли ишламоқдалар. Экинсавот механизатори А. Абдулқалиев, бульдозерчи Д. Нишомовлар биргалликда Баротқўжа каналини қисқа мудат ичида тартибга келтиришди. Суи бошқармаси ходимлари 22 километр узунликдаги ҳўжаликларга зовурларни мавсумга тайёрлаб қўйдилар.

М. УМИДОВА.

ОҚҚУРҒОН: ДЕҲҚОНЛАР ШАЙ

СЕГИЗБОЕВ номли давлат ҳўжалиги меҳнатчилари бу йил 3111 гектар майдонда пахта етиштиришди. Ана шу мақсадда қизғин таёргарлик қўриломоқда. Экин агрегатлари соз қилиб қўйилди. Суғориш шахобчалари тартибга келтирилди. Ҳўжаликдан ўнгитлар ҳам таъмирланди. Айнақса, давлат ҳўжалигининг Абдулла Акрауллов бошлиқ 1-бўлими деҳқонлари энг мавсумга пухта шайландилар.

Бўлимда озунча экинлари, қовун-тарвуз, сабзавот экинлари алмашлаб экишда бой тажриба тўплаган. Бу тажриба пахта ҳосилдорлигини оширишда ҳам қўл келмоқда. Бу жиҳатдан У. Тўхтаев, А. Мадризаев бошлиқ жамоалардан ўрнатилган мавсумга тайёрлашда механизаторлар Н. Қаримов, Б. Мадризаев, Т. Бобоев, М. Абдуғофуров ва бошқалар барқалли меҳнат қилдилар. Айни кунларда ҳўжаликдаги барча трейдер, бульдозерлар ер текислаш ишларида фойдаланилмоқда.

О. ТУРАҚУЛОВ.

ИСЛОМ ҚАРИМОВ ҚОЗОҒИСТОНГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Қаримов Марказий Осиё давлат раҳбарлари учрашувида қатнашиш учун 26 март куни Қозоғистон Республикасининг Қизил Ҳўда шаҳрига жўнаб кетди.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг бу сафарги учрашувида Орол ва Орол-

«ОРТИҚ» ОТАЛИГИДА

БўСАДА қоплашга, имкон беради. Бундан ташқари кичик корхона ярим йиллик учун вақтинчалик кўра, аъло баҳога ўйилган ўқучилари, мактаб педагог жамоаси фаолларини рағбатлантириб, пул мукофотлари билан тақдирлади. 44 ўқувчи юз сўмдан икки юз эллик сўмгача пул ажратилди. Энг яхши натижаларга эришган ўқувчилардан Н. Жарқинбоева, Д. Раҳмонова, Д.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

шнинг 1969 йил 18 июндаги 340-сон қарори билан тасдиқланган хизмат кўрсаткичи берилиши мумкин бўлган шахслар рўйхатига киритилди. Вилоят шаҳар ва район ҳокимлари 160-кўрилиш трести, 1, 2-вилоят агрокурлиши, 6-қурилиш трести, виллоят таъмирлаш-қурилиш трестларига 1993 йилги Ўзбекистон чемпионатининг биринчи ва олий лига ўйинлари ўтказиладиган стадионларни таъмирлаш ва тахт қилиш топширилди.

Қуни неча виллоят ҳокимлигида бўлиб ўтган ҳокимият федерациясининг пленумида ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг футболни ривожлантириш тўғрисидаги қароридан келиб чиққан ҳолда виллоятимизда бу борда бақарилиши лозим бўлган асосий вазифалар муҳокама этилди.

Пленумда виллоят шаҳар ва районлири ҳокимлари, йирик корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, виллоят спорт қўмитаси ва футбол федерациясини аъзолари, етакчи футбол командалари раҳбарлари ва уларнинг ҳокимлари иштирок этилди. Виллоят футбол федерациясини раиси Шавкат Аббосович Миралимов Янгиланларни пленум куни тартибидида масалалар билан таништирди. Сўнгра Ш. Миралимовнинг таълифи ва Янгиланларнинг бир овоздан қўлаб-қувватлашлари билан виллоят ҳокими С. Д. Сайдалиев виллоят футбол федерациясининг янги раиси этиб сайланди.

— Дарҳақиқат, футбол-спорт турлари орасида энг қизиқарли ва оммавийсидир, — деди Сайфулла Да-

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

виловчи. — Афсуски, шундай аjoyиб спорт турига кейинги пайтларда эътибор анча сусайиб, Ўзбек футболининг шон-шухратини бирмунча пасайиб қолган эди. Бунинг эса, албатта, ҳам баълари кўп. Ҳайратлиқ, ҳукуматимиз футболни ривожлантириш борасида ўз вақтида ва аниқ чора тадбирлардан иборат қарор қабул қилди. Албатта, бу қарор виллоятимизда ҳам футболни ривожлантириш ишларида биз учун асосий дастур бўлиб қолиши лозим.

Шунингдек С. Сайдалиев бугунги кундаги виллоят футболининг аҳолини яхшилаш борасида қабул қилинган янги қарор ва ташкил этилган жамғарма хусусида ба-тафсил гапириб берди ва барчани жамғармани қўлаб-қувватлашга чақирди.

Шундан сўнг виллоят футболининг жонқурларидан бири — Қўбрай район фахрийлар кенгаши раиси Ж. Хоназаров, виллоятда етакчи бўлган «Бинокор» командаси ҳомийси — виллоят 1-агрокурлиши трести бошқарувчиси Р. Исоқов, шу команда бош тренери, таниқли футболчи Б. Абдураимов, Чирчиқ шаҳар «Нимегар» командаси ҳомийси — «Электрмисаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Ф. Юсупов, ўтган йилги Ўзбекистон чемпионатида муваффақиятли ишти-

рок этиб, чемпионатнинг олий лигасига йўлланма олган Юноричирчиқ районлидаги «Политотдел» футбол командаси бош тренери В. Бондаренко ва команда ҳомийси — «Политотдел» қозғон раиси С. Хван бир қатор шахслар район ҳокимлари ҳам сўзга чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларни тақдир-ис-такларини ўртага ташладилар. Виллоят футбол қабул қилиниши, бунинг учун эса энг аввало маблағ зарурлигини таъкидлаб, ана шу мақсадда ташкил этилган виллоят футболини ривожлантириш жамғармасига ўз хиссаларини қўишларини билдирдилар.

Биз ҳам ўз наватбидда футбол жону дили бўлган, унинг галабасидан илҳомланиб, мағлубиятдан азият чеккан ҳақиқий муҳлисларини, виллоятимиз футболининг шон-шухратини тиклашни чин дилдан истаган ишқибозларни, Ватанимизнинг ўсиб келаётган ёш авлоди соғлом ва бақувват бўлиши йўлида астойдил қайғурган фидокорларни, йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарларини ана шундай олмажа-ноб ва ҳайрли ишдан четда турмасликка, виллоят футболни ривожлантириш жамғармасига баҳоли қудрат улуш қўйишга чақирамиз ва улар эътиборига ушбу жамғарма ҳисоб рақамини ҳавола этамиз.

Э. ЖўРАЕВА.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

Ташкент виллоят футболни ривожлантириш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент виллоят бошқармасининг муомала марказида очилди.

МФО 17273104

жорий ҳисоб рақами 000702901.

Бизнинг мусохаба

МУСТАҚИЛЛИК шарофати билан Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатлари ишбилармонлари билан ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маданий соҳалардаги алоқаларида янгиликлар саҳифалар очилмоқда. Утган қисқа фурсатдаёқ Ўзбекистонда қўлбел хорижийлик билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этилди. Уларнинг кўпчилиги ҳозирнинг ўзидаёқ кенг турдаги истеъмол моллари ишлаб чиқариш ишонини бермоқда.

Бу борада Тошкент вилоятида амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Вилоят билан Хитой Халқ Республикасининг Хуань вилояти ўртасида имзолаган биродарлашув тўғрисидаги шартнома бунга бир мисолдир.

Маълумки, бу ҳамкорлик алоқаларига 1992 йилнинг июнь ойида асос солинган эди. Ушанда вилоятимизга ташриф буюрган Хуань вилояти делегацияси икки томон ўртасидаги алоқалар ҳамма соҳада катта имкониятлар очилишига йўл кўрсатди. Шу йил ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги икки томонлама келишув ҳужжатлари имзоланди.

Ана шу шартлашува ҳамда хитойликларнинг ташрифига биноан 1993 йилнинг 27 февралдан 7 мартгача Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи муовини Акромжон Солижонов Ибобов бошчилигидаги вилоят делегацияси Хитой Халқ Республикасининг Хуань вилоятида хизмат сафарига бўлиб қайтилар. Бу сафар ҳар томонлама самарали бўлди. Бир қатор нуфузли ҳужжатлар имзоланди. Шу муносабат билан биз делегация раҳбари А. С. ИБОБОВ билан сафар таассуротлари ҳамда натижаларни тўғрисида суҳбатлашдик.

ниб турибдики, вилоят делегациясининг сафардан қўриб қайтди. Лекин кўп бирон хорижий давлатга борганда дастлаб ана шу ердик халқнинг турмуш-тарзи, маданияти, умуман шу мамлакат тўғрисида таассурот олади. Ана шу ҳақда ҳам тўхталисангиз.

— Албатта, Хитойдек буюк давлатни дунёга танитган унинг халқидир. Бундай халқнинг яшаш тарзи, маданияти, фикрини билиш — биз учун катта аҳамиятга эгадир. Делегациямиз сафар давомида бир қатор корхоналарга, муассасаларга ташриф буюрди. Биласизми, қандай ишлаб чиқариш тармоғида бўлмайди, хитойликларнинг бутун вужуди билан юқори умудда ҳамда сифатли меҳнат қилишга ҳаракат қилаётганликларининг гувоҳи бўлидик. Умуман, Хитойда ҳамма нарса фақат меҳнат ҳисобига яратилади, деган гоёманнинг оғинга синган. Уларнинг бу фазилати биз учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

риш борасида ҳам муҳим масалаларни кўриб чиқдик ва келишув ҳужжатларини имзоладик. Нелгусида Тошкент вилояти маданияти кўнрагини Хуань вилояти, шунингдек, Хуань вилояти маданияти кўнрагини Тошкент вилоятида ўтказишни келишиб олдик. Бундан ташқари маориф соҳасида ўқитувчиларимизнинг тажриба алмашишларини йўлга қўйиш, ўқув дастурларини ўрганиш, физкультураспорти ривожлантиришдаги тажрибаларни ўртоқлашиш, икки вилоят спортчилари ўртасида мусобақалар ташкил этиш масалалари тўғрисида ҳам фикр алмашидик. Юқоридаги ишлар бундан буён Ўзаро делегациялар алмашиш ҳисобига ривожлантирилаверади. Хуллас, таассуротлар бир олам...

— Акромжон Солижонович, Хитойга қилган сафарда иқтисодий соҳада ҳам Ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисида нуфузли битимлар тузишга кели-

ция сафар давомида алоҳида ёндошди. Биз иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида хитойлик шериклар билан шартномалар тузари эканмиз, тўрт асосий масалани устивор йўналиш қилиб олдик: биринчидан, қўшни давлатлар билан алоқалар узилиб бораётган бир пайтда ўзимиздаги мажбур маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш! иккинчидан, маҳаллий шароитимизга мос кичик кичик корхоналарни (айниқса, қишлоқ жойларда) кўпайтириш; учинчидан, ана шу йўл билан одамларни иш билан таъминлаш масаласини ҳал этиш;

тўртинчидан, қишлоқ-ўрмон маҳсулотларини қайта ишлашга эътиборни кўчатириш биз учун ҳозирги шартда энг муҳим вазифалардир. Анан шу бораларда Хитойда етарли тажриба топилган. Бу ерда йirik корхоналар, ташкилотлар билан бир қаторда кичик-кичик тўқувчилик цехлари, кийим бош тикадиган устaxonалар жуда кўп.

1993 йилнинг 4 март кунини икки томонлама музокаралар юзасидан имзолаган ҳужжатда тивувчилик буюмлари, шифобахш сув ва шартбатлар тайёрлаш, қуруқ медаларни қалдоқлаш, жинси материалларидан кийим-кечалар тайёрлаш, Тошкент вилоятида Хитой ресторани очилиши, балиқни қайта ишлаш ва балиқ еми тайёрлаш, халқ истеъмоли моллари билан савдо қилувчи дўконлар очилиши каби масалалар ўз ифодасини топди.

Бу қўшма корхоналарнинг барчаси ҳамкорликда ташкил этилиб, унинг 40—50 фоиз ҳаражатларини Хитой томони, қолган ҳаражатларини эса бизнинг муассисларимиз кўтарадилар. Бугун шунинг дадил айтиш мумкинки, Тошкент вилоятида юқоридаги режаларни амалга ошириш юзасидан ишлаб бoшлaб юборилди. Вилоят ҳокимининг делегациясининг Хитой халқ республикаси сафари натижаларини тўғрисида махсус қарор қабул қилинди. Унда ҳар бир масалага масъул бўлган бўлим ва бошқармалар тайинланди. Масалан, Хуань вилоятининг «Судань» компанияси билан Бекобод районидаги «Шоликор» жамоа ҳўжалиги биргаликда шoли похoли ва қишлоқда сифатли қoғoз маҳсулотларини ишлаб чиқ-



райдан қўшма корхона қуриш учун керакли ҳужжатлар тайёрлашга киришди. Шунингдек, Хитойнинг Юэлян совутичлар заводи билан ҳамкорликда Бекобод металл заводи қoшида замонавий уй совутичлари (кондиционер) ишлаб чиқарадиган қўшма корхона барпо этиш учун ҳаракат бошланди. Хуань вилоятининг «Дустлик» магазини ва Чанша автомобиль заводи билан ҳамкорликда Чирчиқ ва Олмалик шаҳарларида биттадан дўкон ва Хитой миллий таомллари тайёрладиган ресторан очилиши талворларини ишлаб чиқиш «Вилоятсавдо» концерни ва умумий оватланиш бошқармалари зиммасига юқуричи қўшма корхоналар ташкил этиш борасидаги иш-

ларни кўриб чиқадилар. 1993 йили айтганда, хитойликлар билан иқтисодий алоқаларини кенгайтириб бoриш юзасидан барча расмий ҳужжатлар имзоланди. Эндиги бош вазир ана шу ҳужжатлардаги тадбирларни амалга оширишдан иборатдир. Ҳўлайманки, бу ҳамкорлик вилоятимиз иқтисодий ривожлантиришида, истеъмол бозорини тўлдиршида муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Суҳбатдош Ф. МУҲАДИНОВ.

СУРАТДА: Хитойдаги учрашувлар пайти.

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНING ХУАНЬ ВИЛОЯТИ УРТАСИДА ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ СОҲАЛАРДА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ ОЧИЛМОҚДА.

Бугун шунинг дадил айти оламани, бу хизмат сафаримиз кутилганидан ҳам самарали бўлди. Икки вилоят ўртасида иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда алоқалар ўрнатилиши тўғрисида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди, келишувлар тасдиқланди. Бундан ташқари, вилоятимизда хитойликлар билан биргаликда бир неча қўшма корхоналар қуришни келишиб олдик. Бизнинг бош мақсадимиз ҳам аслида шу эди.

Имонқилдан фойдаланиб, яна бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Вилоят делегациясининг сафари давомида имзоланган Ўзаро биродарлашув ҳақидаги шартномани Ўзбекистон Республикаси Президентининг девонига маъқуллади ва бу ишларни керакли тартибда давом эттиришнинг мумкинлигини маълум қилишди. — Акромжон ака, кўри-

Делегациямиз аъзолари Хитойнинг сўнгги императори саройини қизиқиш билан кўрдик. Мао Цзедун мавзолейини зиёрат қилдик. Чанша шаҳридаги вилоят тарихий музейини, маданий обидалар, кутубхоналар иши билан танишдик. Бу ердаги биноларнинг ўзинга хос архитектураси кишига жуда катта таассурот қолдиради. Музейда бундан 2100 йил муқаддам хитойликлар томонидан яратилган меланит ёлгорчиликлар, кийим-кечалар, ёзув матилари, илмий-томоқ, йишқа асбоблари шундай сифатли сақланганини, кўриб ҳайрон қолсан, киши. Умуман, Хитойда ўзининг тарихига ҳурмат, эътибор, қадр-қиммат масаласи юқори ўринда туради. Биз имониятдан фойдаланиб, Тошкент вилояти билан Хуань вилояти ўртасидаги маданий, маърифий алоқаларини кенгайти-

риш борасида ҳам муҳим масалаларни кўриб чиқдик ва келишув ҳужжатларини имзоладик. Нелгусида Тошкент вилояти маданияти кўнрагини Хуань вилояти, шунингдек, Хуань вилояти маданияти кўнрагини Тошкент вилоятида ўтказишни келишиб олдик. Бундан ташқари маориф соҳасида ўқитувчиларимизнинг тажриба алмашишларини йўлга қўйиш, ўқув дастурларини ўрганиш, физкультураспорти ривожлантиришдаги тажрибаларни ўртоқлашиш, икки вилоят спортчилари ўртасида мусобақалар ташкил этиш масалалари тўғрисида ҳам фикр алмашидик. Юқоридаги ишлар бундан буён Ўзаро делегациялар алмашиш ҳисобига ривожлантирилаверади. Хуллас, таассуротлар бир олам...

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

УША кунга Уртачирчиқ районидagi Оқунбобоев номи жамоа ҳўжалигининг клубига Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари, вилоятимиз барча шаҳар ва районларнинг соғлиқни сақлаш бўлимлари мударлари, оналик ва болаликни муҳофаза этишга дахлдор шифокорлар — гинекологлар, акушерлар, республика илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари вакиллари тўландилар. Ҳозирги пайтда ҳаётимизда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турган «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш омили» деб номланган илмий-амалий анжуманини вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мударси М. Ф. Векзоева очди. Матлуба Файзуллаева бу борада олмборлайётган ишлар ҳақида иштирокчиларга таъриблик берди. У сўнги йиллар ичидида вилоятда аёллар масалаҳатхоналари фаолияти ошганлиги, камқон оналарни қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш йўли кўрилганлиги, оналар ва болаларни тиббий қўриқдан ўтказиш, хасталарни даволаш сифати бoшлaб берилганлиги хусусида тўхталиб ўтди. Болалар шифохоналарида бемор болани даволаш жараёнида онани ҳам бирга ётқизиш ва уни батафсил тиббий назоратдан ўтказиб, муолажалар қилишдек хизмат услуби кенгайиб бoраётганлиги, бу борада Бўстонлик район алоҳида ташаббус кўрсатганлигини таъкидлади. Шундан сўнг Матлуба Файзуллаева илмий-амалий анжуманининг мақсади — туғишга ёрдам хизмати, оналар ва болаларни муҳофаза этиш иши билан боғлиқ тиббий ходимларнинг масъулиятини кўчатириш, уларни сўнги янгиликлардан хабардор қилиш, бу соҳадаги билим доираларини кенгайтириш ва малакаларини оширишга қаратилганлигини қайд қилди.

Сермазун, қизқарлик, илмий-амалий тажрибалар ўз ифодасини тошган маърузаларга бой, ишчанлик руҳида ўтган бу анжуман оналар ва болалар саломатлигини муҳофазада турган барча шифокорларда катта таассурот қолдирди. Хусусан, анжуманда 1-Тошкент тиббий институти муаммоларини илмий текшириш клиникаси лабораториясининг мударси профессор А. Ифдошев, Республика бош акушер гинеколог С. Нарзиқулова, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Отабоева, 2-Тошкент тиббий институти патанатомия кафедраси мударси профессор М. Абдуллаҳужаева, Тошкент педиатрия илмий тадқиқот институтининг директорининг муовини М. Аҳмедов, ТошМИ педиатрия кафедраси доценти И. А. Дахуш, Уртачирчиқ район марказий шифохонаси бош шифокорининг муовини Н. Аҳмедова, шу район тугуруқхонаси бўлим мударси Ф. Ҳасанова, аёллар масалаҳатхонаси мударси З. Ф. Саидер, вилоят акушер-гинеколог Н. М. Галиева, вилоят бош педнатри Г. М. Лукъянова, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошқари муовини Н. Ф. Болдарено ва бошқа ўртоқлар оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилишни туғди қирралари бўлишига кўчур илмий ва амалий фикр-мулоҳазалар билдиришлар. Биз ана шу анжуманда сузлаганлардан айримларининг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этмоқчиман. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими ташаббус билан ўтказилган бу анжуман ниятда фойдаланиб бўлганлигини унинг қўшима иштирокчилари таъкидладилар. Бундан буён ҳам шифокорлар малакасини оширишга ёрдам берадиган ана шундай анжуманларни тез-тез ташкил этишни илтимос қилдиклар.

ча дуруст натижаларга эришилган. Лекин она ва бола саломатлигини муҳофаза этиш умумдавлатига эмас, умумжаҳон аҳамиятига молик муаммодир. Шундай экан, чет эл тажрибасидан кўп ўрганишимиз, амалий фаолиятимизда қўлланшимиз керак.

ОНА СУТИ — МИНГ ДАРҒА ДАВО Меҳмон АҲМЕДОВ, Тошкент педиатрия илмий-тадқиқот институтининг илмий ишлар бўлими мударси, доцент

лабки онларда она сўтини эмган болада даргда бардошлилик имунитети пайдо бўлишини фан исботлаган. Бир қатор вилоятларда шифокорлар ҳамкорлиги амбулатория — поликлиника — педиатрия комплекслари ташкил этиш орқали таъминланмоқда. Пойтахт вилояти ҳам бу ишга киришса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бола соғлигини мухта-камлашда, унинг касалланиши олдини олишда эмлашнинг аҳамияти катта. Аммо бу ишга бепарволик билан қараш ҳоллари мажбур эмас. Эмлаш чоғида бола-нинг ҳолати, организмнинг мувофиқлиги, албатта, ҳисобга олиниши керак. Эмлаш соғи ҳозирги 70 фoзидан 90—95 фoзига ет-гандагина болалар ўртасида касаллини даражасини намойиштириш мумкин. Республикаимизда аёллар сиҳат-саломатлигини сақлаш учун Президентимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан эътибор, гaмхўрликлар етарли. Фақат жойларда соғлиқни сақлаш хостамонлиги, камқонли аёлларни қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминладиган савдо ташкилотлари ўз бурчларига ҳалол муносабатда бўлсаларгина бу гaмхўрликлар самараси кўриниши мумкинлигини унутмайлик.

қишлоқ тиббий амбулаториялари ва қишлоқ участка шифохоналаридаги кабинетлар орқали хизмат кўрсатишмоқда. Ҳомиладор, гинекологик хаста аёлларни иложи борича эртароқ ба-тафсил тиббий қўриқдан ўтказиш, туғиш жараёнида рўй бeриши мумкин бўлган ишчуликлар олдини олиш бизнинг асосий бурчимиз ҳисобланади. Бу жараёнда ички касалликлар шифокорлари, тиш дўхтирлар ва бошқа мутахассислар фаол қатнашадилар. Мабоодо аёлда бeрон-бир хасталик пайдо бўлганлиги аниқланса, уни даволашга етқизамиз. Утгай йили 30 мингдан ортиқ аёлни ана шундай кўриқдан ўтказма олдик. Албатта, аёлларни муҳофаза этишдаги фаолиятимизда моддий база муҳим роль ўйнайди. Бу борада биз район ҳокимиятидан миннатдоримиз. Масалаҳатхона керакли апаратуралар билан таъминланганлиги, районда ташқи марказининг очилганлиги иш-имизни қулайлаштирди.

Эндилкида бола бeшик-да тинч уқлашини, белан-чақда ором топишини ҳаёт-нинг ўзи ҳам, илм-фан ҳам яққол кўрсатмоқда. Биз бола парваршини чет элдан ўрганишимиз шарт эмас. Бу тарбия жараёнида Марказий Осиёда аллақачоноқ шаклланиб бўлган. Фақат омиларга лоқайд муносабатда бўлиб келинган эди. Энди ана шу оёқоти бўлган қадриятларни сиҳат-салт яттигимиз борасида ҳам тиклаш пайти келди.

МАСЛАҲАТ БАТАФСИЛ БЎЛСИН Зоя Фёдоровна САНДЕР, Уртачирчиқ район аёллар масалаҳатхонаси мударси. Районимизда туғиш ёшидаги аёллар соғи 32 минг нафарга яқини ташкил этади. Уларга марказий аёллар масалаҳатхонаси,

АЕЛГА ЭТИВОР КЕРАК Саветлана НАРЗИКУЛОВА, Республика бош акушер-гинеколог. Яқинда Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган «Оналар саломатлиги» анжуманида қатнашдим. Марказий Осиё республикалари тиббий ходимлари тўплаган бу йиғилишга АҚШ ва бошқа чет

да аёл киши кўз ёраётган пайтда унинг ёнида қариндош-уруғлари бўлиши унга катта мадад бағишлар экан. Чақалоқ туғилган заҳотёқ онаси билан бир хонага ётқизилди. Уни дарҳол эмизиб тавсия қилинади. АҚШлик акушерлар аёл кўз ёраётганда чалқанча ётгандан кўра, ярим ётқизилган ҳолда бўлишини афзал, деб ҳисоблайдилар.

Бу тарзда она учун ҳам, бола учун ҳам қўлайлик таъминланади. Фарзанд туғилгандан сўнг аёл умр йўлдошини кўриши эса уни бемажолликдан ва рўй бeриши мумкин бўлган бош-қа дардлардан ҳалос этади. Мен бу мисолларни бизда гинекология, акушерлик хизмати қолқоқ деган маънода гапирмайман. Республикада бу борада ан-



СураТларда: шифокорлар анжуманидан лавҳалар.

Д. АҲМАД олган сураТлар.

ВИЛОЯТИМИЗДА „НАВРЎ“ ТАНТАНАЛАРИ

Олмалик

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати жамоаси баҳор байрамини, ўз меҳнатлари натижаларидан қониқиб ҳисси билан нишонлади. Кончилар шу йилнинг ўтган даврида баракали ишлади. Белгиланган режалар асосий кўрсаткичлар бўйича тўла ва зиёда билан бажарилди. Иқтисодий қийинчилик ҳужм сураётган, миқозлар ва шериклар билан илгари ташкил топган ҳамкорлик ришталарига пурут этган ҳозирги мураккаб шароитда бундай ишлаш, албатта, ҳамма қувонтиради. Шунинг учун ҳам кўп миң кишилик байналмилал жамоа Наврўз айёмига ёруғ юз билан келганлигидан ҳақли равишда хурсанд эди.

Комбинатимиз ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусияти шунданки, деярли барча жараянлар улуксиз давом этади. — деди Олмалик кон-металлургия комбинати директори Виталий Николаевич Сигедин. — Байрамни нишонлашда ҳам бу ҳисобга олинди. Шунинг

учун ҳамма конлар, корхоналар, ташкилотларда алоҳида-алоҳида нишонланди. Жамоалар катта дастурхонга таклиф этилди, уларга баҳор таомлари, дошқозонларда дамланган ош тортилди. Янги қўрилган «Наврўз» нафисдаги тантаналар сержило бўлди.

Комбинатга қарашли автотранспорт бошқармасида қад кўтарган бу ҳашаматли емакхона шу баҳор байрами арафасида фойдаланишга топширилган эди. Шунинг учун ҳам унга «Наврўз» номи берилди. Бир йўла юзлаб хўрандалар овқатланишига мўлжалланган бу масканда янгида қозонда ош дамланди. Катта дастурхон безатилди. Бу ерда комбинат ходимларидан ташқари кўп-кўп меҳмонлар таширф бўлди. Санъаткорлар бадний хаваскорлик тўғрисидаги байрам иштирокчиларига кўй ва қўшиқлар тортиқ қилдилар, савдо ходимлари хизматда бўлишди.

Шаҳардаги барча корхоналар, ташкилотлар, муас-

сасаларда ҳам Наврўз байрами шодиёналари авжга чиқди, тантаналар истироҳат

Оҳангарон

РАЙОН ҳокими ташаббуси билан бу йилги Наврўз байрамини оҳангаронликлар кўм-кўк қирларда ўтказилди. Ҳар бир жамоа ҳўжалиги ўз аъзолари учун ўтовлар қурди. Бағри кенг сайҳонликлар узра, аввало Фахридинхожи ҳазратларнинг дуолари янгради. Кейин ҳоким сайил иштирокчиларини қутлагач, Нуриддин Ҳайдаровдек таниқли санъаткорлар, Тошпўлат Магъмуров, Тожикўл Йамоев, Абдужабор Ҳиматов, Наримон Бобраҳимов каби ажойиб хонадалар қўшиқлари, момолар ўланлари борлиқ бўйлаб

таралди. Айёмга йиғилган кексалар, ёшлар, болажонлар мусоффо ҳавода яйраб, ўйнаб-кулиб дам олишди. Спорт ўйинларини мириқиб томоша қилишди. Савдо, умумий овқатланиш ходимлари хизматда бўлдилар.

Байрамда иштирок этган исроиллик, туркиялик ва бошқа давлатлардан келган меҳмонлар дошқозонларда пишган паловлар, сумалаклардан истеъмол қилиб: «Наврўзнинг гўзаллик, фаровонлик байрами экан, та-шаккур!» дея миннатдорчилик билдиришди. **З. ЭРАЛИЕВА.**

Бекобод райони

АЗАЛДАН бекободликлар меҳнатни ҳам, ўйин-кулгунни ҳам ўрнига қўйдилар. Шу сабабли ҳам улар баҳор бай-

рами — Наврўзга ҳар томонлама пухта тайёргарлик қўйдилар. Райондаги барча ҳўжаликларда ва 64 та ма-

ҳаллада байрам олдида ободонлаштириш ва кўна-ламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Эрта тонг. Бекободликлар район марказига йиғила бошлади. Троф байрам либосида. Наврўз байрами катта тантанали йиғилиш билан бошланди. Шундан сўнг оммавий сайл бошланди. Район бадний хаваскорлари йиғилганларга ўз санъатларини намойиш этдилар.

Айниқса, «Зафар тароналари» дастасининг хонадалари Назира Бўрибоева ҳамда Ёқубов Саҳобларнинг қўшиқлари йиғилганларга ниҳоятда манзур бўлди. Бундан ташқари дор ўйинлари, қизиқчиларнинг чиқишлари ва уларнинг ичакузди лати-фалари йиғилганларга ҳўзур бағишланди.

Марказий майдонда райондаги 15 ҳўжалик ўзларининг павильонларини барпо

этишганди. Шу ерда ҳар бир ҳўжаликнинг бадний хаваскорлари ўз санъатларини намойиш эттиди. Турли қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг савдоси ҳам йўлга қўйилди. Савдо ходимлари ҳамда район матлубот жа-мийатининг ходимлари меҳнаткашлар хизматига бўлишди. Марказий ўйингоҳда кураш, арқан тортиш ва шу каби мусобақалар ўтказилди.

Наврўз тантанасига вилоятимизнинг турли шаҳар, районларидан, қўшни Сирдарё вилоятининг Бобўт райони, Ширин шаҳридан, Тожикистон республикасининг Мастчоҳ, Нов, Уратеп, Шаҳристон районларидан меҳмонлар таширф бўюришди.

Районда Наврўз байрами тантаналари давом этмоқда.

Н. РАФИҚОВ.

Куйичирчиқ

РАЙОНДА фасллар келинганда — Наврўзи олам ниҳоятда шуккул ва файзли нишонлади. Чунки, йилда бир марта келувчи, катта-кичи интиқиб кутувчи бу байрамга жулда эрта ва пухта таралду қўрилди.

Маълумки, Наврўз азалдан кишиларни эзгуликка, савобли ишларга чорлаган. Шу сабабли район ҳокимлиги ҳайрия тадбирлари ўтказишга алоҳида аҳамият берди. Байрам нафаси ҳар бир хонадонга кириб бориши учун ҳаракат қилинди. Районда қирч нафар бокучисиз

тўшақда ётиб қолган, ёлғиз қариялар бор. Улар ҳўлидан район ижтимоий таъминот бўлими хабар олиб, зарур ёрдамни кўрсатиб келди. Наврўз арафасида район ҳокимлиги вакиллари ана шундай кўнгли яримлар хонадонларида бўлишди, уларга савгалар топширдилар.

Байрамни ҳар бир жамоа ёки давлат ҳўжалиги, корхона ёки ташкилот зўр хурсандчилик билан нишонлашди, ўз худудларидаги муҳтож оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, 1000 сўмдан пул тарқатдилар. «Огонёк»

давлат ҳўжалиги байрам дастурхони учун мева-чева-лар етказиб берди.

21 март куни Советско шаҳар бosh кўчасида тантаналарнинг энг завқлиси бошланди. Бу ерда катта сайл ташкил этилди. Район ҳокими муовини Абдумутал Шерматов йиғилганларни улуг айём билан муборакбод этиб, эзгу тилақларини билдирди. У сайли охиқ деб эълон қилди ва барчага уни хуш-чақчақлик билан ўтказишларини тилади.

Байрамнинг сервақ ўтиши учун эса район бадний хаваскорлик дастаслари энг сара

куй-қўшиқларини ижро этдилар.

Шодиёналар шаҳар маданият ва истироҳат боғида ҳам давом этди. Район матлубот уюшмаси эса пенсияга чиққан фахрийларни бир пиёла чойга таклиф этиб, уларга байрам савгалари топширди. Таниқли санъаткор Маҳмуджон Азимов дилрабо қўшиқлари билан фахрийлар кўнглиларини хушнуд этди.

Районда яшовчи барча бошқа миллат вакиллари ҳам Наврўзи оламни зўр шоду хуррамлик билан байрам қилдилар.

З. ЗАБИХУЛЛАЕВА.

Чинозда Хайрия Марафони

Наврўз байрами арафасида Чинозда ҳайрия марафони ўтказилди. Район маданият уйи, матлубот жамияти ходимлари марафонга қатнашиш учун келган кишиларга хизмат кўрсатдилар.

Шундан сўнг ҳайрия марафонида башланган йиғилиш бўлди. Уин район ҳокими, Ўзбекистон Ҳалқ депутати У. Умаров кириш сўзи билан оқди. Вилоят «Қизил ярим ой» жамияти раиси Ф. Латипова райондаги барча қишлоқ, шаҳар, қўрғон кенгашлари вакиллари жамиятнинг савгаларини топширди. Улар ўз худудларидаги ногиронларга бу савгаларни тарқатадилар.

Шу кунги Ёски Тошкент қишлоқ кенгаши худудидан яшовчи Мавлуда Галибоевнинг 14 ёшли ногирон ўлиги махсус аравача, Навой номи жамоа ҳўжалигининг аъзоси, уч эгизакнинг онаси Фотима Худойбердиева, 1-ўрта мактабнинг аълочи ўқувчиси Зайнаб Абдуллаеваларга вилоят «Қизил ярим ой» жамияти ва вилоят болалар жамғармаси томонидан қимматбаҳо савгалар берилди.

Район ҳокимининг ўринбосари Т. Оллоберганова вилоят «Қизил ярим ой» жамияти томонидан ўзига берилган пул мукофотини наврўз жамғармасига ҳадя қилди. Шунингдек Охунбобоев номли жамоа ҳўжалиги марафон кунни жамғармага 50 минг сўм ўтказиб, район марказий шифохоаси беморлари учун 200 кило гўшт, 200 кило гуруч, ун савга қилди.

Ҳайрия марафонидан жами 232 минг 123 сўм пул тўпланди.

Наврўз байрами кунин Чинозда катта тантаналар ўтказилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мамажон Нурматов раҳбарлигидаги район маданият уйи ходимлари хизматда бўлишди. Байрам рўзига тўғри келганлиги учун айрим жамоа ҳўжаликлари, корхона, ташкилотларда кечқурач ифторликлар уюштиришди.

31 март кунин район бўйича Наврўз тантаналари «Қизил Оқтўз» жамоа ҳўжалигида ўтказилди.

Ҳ. ШЕРОВА,
«Чиноз ҳаёти» газетаси муҳаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.



МУНОСИБ СОВГА

НАВРЎЗ байрами Тошкент районидagi Тўлабий номли жамоа ҳўжалиги аъзолари учун қўшқувончли кун бўлди. Шу кунни ушбу жамоа ҳўжалиги худудида Охунбобоев номли матлубот жамиятига қарашли 45-дўконнинг фойдаланишга топширилиши тантанаси бўлди. «Наврўз» деб номланган янги дўконда озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилинади.

«Гулистон» маҳалла аҳли номидан маҳалла қўмитаси раиси Гафурхон Алимов ўз-

лари учун яратилган бундай қўлашлик учун миннатдорчилик билдирди.

— Қаровсиз, ташландиқ жойда шундай ажойиб бино қуриб халқнинг узоғини яқин, огирини енгил қилганликлари учун катталаримизга минг раҳмат,— дея дуога қўл очди кекса отахон Усмон Дадахонов.— Ўйлашмики, эндиликда дўкон савдо ходимлари халқ учун астойдил, ҳалол меҳнат қиладилар.

Д. АҲМАД.
Суратлар муаллифники.



● АВВАЛ хабар қилганимизда, Чилонзор районидagi «Саодат» кафеда деҳқончилик саноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси вилоят қўмитасининг Наврўз айёмига башлаб байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда касба уюшмалари илғорларига, фаолларига, фахрийларга савгалар, ёриқлар, бепул йўлнамалар топширилди. Суратларда: «Саодат» кафеда бўлиб ўтган Наврўз байрамидан лаҳза.

А. ДАВРОНОВ суратлари.

ТАЛАБАЛАР МАМНУН

БУ ЙИЛ Наврўз байрами дастурини тайёрлашда Тошкент гидрометеорология техникуми ўқитувчиси Дилбар Исмолова алоҳида жонқурлик кўрсатди. Ҳадисдан олинган ахлоқий ўғитларга, интермедиялар, куй ва қўшиқларга бой бу дастур талбирларини Инна Одилова, Муҳаббат Бекбўтаева, Алишер Солихов, Жавлон Юсупов, Рустам Ҳасанов ва

бошқа талабалар моҳирона ижро этишди.

Барча миллатларнинг севимли байрами бўлиб қолган Наврўзга ҳозирлик қилишда Л. Н. Нестерева, В. А. Заика каби ўқитувчилар ҳам фаол иштирок этдилар,— дейди техникум директори Л. А. Хусанова.— талабалар ўтказилган байрам талбиримиздан мамнун бўлишди.

Э. КОМИЛОВ.

КАТТА ДАСТУРХОН АТРОФИДА

ПОЯТХТИМИЗДАГИ бешинчи таксопарк жамоаси доим, эрта-ю кеч шаҳарлик ва меҳмонлар хизматига. Транспортчилар ҳар кунни беш юзга яқин таксир йўлга олиб чиқадилар. Жамоага бирлашган 1300 нафардан ортиқ турли миллат вакиллари меҳнаткашлар узоғини яқин, огирини енгил қилиш йўлида фидокорлик кўрсатишмоқда. Кунин кеча кеч нишонланган Наврўз байрами, ҳайит кунларида ҳам эл хизматига бўлдилар.

Уларнинг ўзлари ҳам байрамларни яқин нишонлашнинг билишди. Чунки, корхона ишчи-хизматчиларининг Наврўз байрамига бағишланган тантаналари қизиқарли ва мазмунли ўтди.

Қўтулғ айём шодиёналарини очган таксопарк директори Рашид Собиров барча транспортчиларни халқимизнинг ажойиб бу байрами билан қизгин табриклар экан, аввало жамоа шукратини ошираётган ҳайдовчилар номини ҳурмат билан тила олди. Кўп йиллардан бери сидқидилан меҳнат қилиб келатган бу илгор ва пешкадам ҳайдовчилар билан ҳақли равишда фахрлана-

нажанин айтиб ўтди. Жумладан, Узининг ҳалол ва самарали меҳнатлари билан танилган, насобдошлари ҳўрматини қозонган моҳир ҳайдовчи аёл — қаҳрамон она Вазира Солихова, ўз режаларини муваффақиятла адо этиб келатганлардан Солиқ Ҳамидов, Ғани Абдуқодиров, Владимир Злобинлар меҳнати таҳсинга сазовордир.

Шундан сўнг корхона маъмурияти ва жамоат ташкилотларининг қарори билан ўнлаб илгор транспортчиларга турли эсалик савгалари, пул мукофотлари берилди.

МАКТАБДА ШОДИЁНА

МИРЗО Улугбек районидagi Усмон Носир номли 241-мактабда Наврўз байрами бўлиб ўтди. Кечага бир қатор қўшни маҳаллалар, район халқ таълими бўлимидан вакиллар, мактабда узоқ йиллар ишлаб, ҳозирда фахрийликка чиққан со-биқ ўқитувчилар меҳмон бўлиб келдилар. Уларни байрам либосидаги жажжи ўғил-қизлар баҳор гуллари билан мусиқа садолари остида кутиб олдилар. Барча йиғилганларни мактаб илмий бў-лим мудираси Муяссар Раҳимжонов Наврўзи олам айёми билан табриклар экан, бу байрамнинг моҳияти, тал-рихи, улуглиги ҳақида сўз-лаб берди.

Қўшни «Ватан» маҳалла қўмитаси раиси Миржалол Мирқосимовнинг сўзлари ҳам кўпчилигини хурсанд этди. У байрам арафасида маҳалладаги энг намунали оиладан тўртасига 500 сўмдан мукофот пули топширилганлигини билдирди. Байрам иштирокчилари орасида ана шундай мукофотга сазовор бўлган оилалар вакиллари ҳам иштирок этдилар. Байрам узоқ давом этди. Унинг файзли ўтишига мактаб ёш бадний хаваскорлари ўзларининг дилрабо куй, қўшиқ ва рақслари билан ҳисса қўшдилар.

Ҳ. АЗИМОВ.

ФАЙЗЛИ ЎТДИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ қадимий байрами бўлиши Наврўзи кенг нишонлаш, унинг миллий урф-одатларини улуглаш, халқ ижодкорлигини намойиш этиш мақсадида Тошкентдаги Усмон Носир номли Тошкент мактаб техникамида тантанали кеча бўлиб ўтди.

Ушбу кечада техникум директори А. Мансуров талабаларни қўтулғ айём билан табрикларди. Шундан сўнг ўқув гуруҳлари ўрта-сўғ кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, мушоира, энг яқин деворий газеталар учун беллашувлар ўтказил-

ди. Кечанин айниқса, бадний қисми қизиқари ўти. Унда миллий урф-одатларини улуглаш, халқ ижодкорлигини намойиш этиш мақсадида Тошкентдаги Усмон Носир номли Тошкент мактаб техникамида тантанали кеча бўлиб ўтди.

Ушбу кечада техникум директори А. Мансуров талабаларни қўтулғ айём билан табрикларди. Шундан сўнг ўқув гуруҳлари ўрта-сўғ кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, мушоира, энг яқин деворий газеталар учун беллашувлар ўтказил-

Умида МАНСУРОВА.

«ИСЛОМОБОД»ГА МАРҲАБО!

Наврўз байрами арафасида Тошкент шаҳрининг Кўча ҳаласида шарқова қурилган салобатли иштиот — маданият маркази фойдаланишга топширилди. Маҳалла аҳли Ўзбекистонга дувёга таянмишда катта ишларни амалга ошираётган, халқимизнинг фаровон яшаш йўлида жон қўйиб келган Президентимиз ҳурмати учун уни «Исломобод» деб аташга қарор қилди. Даҳада истиқомат қилувчи барча аҳо-

ли буни мамнуният билан кутиб олди.

Икки қаватли қаср пишиқ гўшт ва темир-бетон қурилмалардан бўвбд этилган, мармар уполлари билан пардозланган. Фавворалар отилиб турадиган «ҳавзи кавсар» ва ички устулар оқ мармар билан ороланган.


Атрофига яшил бут ва кўм-кўк арчалар экилган ҳўли рўйсиздан ўтиб ичкарига киради. Бир томонда кенг чойхона, Бир томонда

эса 600 кишига мўлжалланган тўйхона. «Бахт уйи»да келин ва кўвлар никоҳда ўтадилар. Иккинчи қаватда эса суратхона, андо ва бошқа хизмат кўрсатиш хоналари жойлашган.

Маданият марказининг очилишида Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоков ва Тошкент шаҳар ҳокими Адхамбек Фозилбеков қатнашди.

П. НИШОНОВ,
Ў.А. муҳбири.





ТОШКЕНТ — МАРКАЗИЙ ОВРУПО



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси қисқа вақт ичида жаҳоннинг 10 та мамлакатини билан «ҳаво кўприкларини» ўрнатди. Ҳозир бу йўналишларда самолётлар қатнаб турилди. Авиакомпания бу йил ҳам янги ҳаво йўллари очадими? Шу муносабат билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси бош директорининг ўринбосари Арслон Ғонович РўЗАТОВ қуйидагиларни гапириб берди.

Янги ҳаво йўллари

лини очиш ғояси ҳадемай амалга ошади. Жаҳонда машҳур бўлган «Люфтганза» авиакомпанияси билан узоқ вақт давомда олиб борилган музокаралар самарали якунланди. Бу ерда гап икки томонлама фойдала ҳамкорлик ҳақида кетаятган бўлса керак? — Албатта, немисларни Осенга қизиқтириш қўшимча ва қўлай йўллари жуда қизиқтирмақда. Бунинг устига улар яқинда давлатларимиз ўртасида алоқаларнинг ривожланиб бораётганини яхши билдилар. Ҳозир вақтда Тошкентда бир қанча йирик немис фирмалари ишлаб турилди. БАСФ, «Мерседес-Бенц» каби йирик немис фирмалари бизнинг дёғиримизда ҳамкорлик шартини тобора кенгайтираётганлиги ҳам уларни қизиқтирмақда. Биз учун эса Лондондан кейин Франкфурт шаҳри яна бир йирик Оврупо авиагавани бўлиб хизмат қилади. Бизнинг йўловчиларимиз бу шаҳардан жаҳоннинг исталган нуқтасига бориш имконига эга бўладилар. Иккала авиакомпаниянинг ўзаро манфаатлари шу қадар каттаки, биз «Люфтганза» билан «Интерлайр» — расмийлаштирилган ҳужжатлари ўзаро тан олиш ҳақидаги шартномага имзо чекдик. Қисқа қилиб гапирганда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси олдин бизнинг йўловчиларимиз Франкфуртга етиб келганларидан сўнг йўлбарлар ўз саёҳатларини ташвишсиз давом эттиришлари мумкин. «Люфтганза» самолётлари эса жаҳоннинг 180 та жойига парвоз қилади. Немис йўловчилари учун бизнинг барча авиалинияларимизга йўл очилади. — Бўлажак йўловчиларини, бундан ташқари, ахборот шаклидаги маълумотлар, масалан, самолётларнинг учиб вақти, даврийлиги, чиқарилиши нархи ва бошқа шу кабилар қизиқтиради, албатта. Уларни бемаълум айтишимиз мумкин. Ҳеч қандай сиримиз йўқ. Тошкентдан Франкфурт шаҳрига салкам олти соат парвоз қилинади. Чипта нархи эса 110 минг сўм (бориш ва келиш учун) атрофида бўлади. Биз томондан ИЛ-62М самолётлари қатнайди. Ҳорижий йўловчилар учун эса ҳақ тўлаш шартлари, албатта, фарқ қилади. Ҳозир сўнги тайёргарлик ишлари олиб борилаётганда 5 та экипаж янги маршрутни ўзлаштириш учун муттасил шуғулланмоқда. Чунки бу линия авиация йўллари ниҳоятда зид бўлган жойдан, бунинг устига бир неча давлатлар ҳудудлари устидан ўтади. Германияда бизнинг авиакомпаниямиз ваколатхонасини очигача келганда шунга айтиш керакки, яқин кунлар ичида Франкфуртга бир гуруҳ мутахассисларимиз юборилади. Улар бу ерда самолёт қатновини амалга ошириш олдидан тайёр бўладиган барча тартиб-қоидаларни ўзаро келишиб оладилар. Бунда ишбилармон доиралар ва немис журналистларининг очиладиган рейса қизиқини кучайтириш ҳам назарда тутилди. Тайёргарлик ишлари муваффақиятли амалга оширилса биринчи техника рейси 28 мартда амалга оширилади.

МУБОРАК АЙЁМ

● БУТУН Ислоҳ дунёсида бўлгани каби Ўзбекистон замининда ҳам Рамазон ҳайати намозлари жамоа бўлиб ўқилди. Мўмин-мусулмонлар ота-оналари, дўсту биродарлари, қариндош-уруғларини бу айём билан қўтладилар. Бетоб, ҳожатмандларни зиёрат қилиб, кўнглиларини кўтардилар. Муборак Рамазон байрами эзгулик ва бирдамлик, ҳайру барака, иқтисодий тараққиёт, маънавий камолот сари бораётган республикамиз фуқароларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Ушбу суратлар пойтахтимиз масжидларида Ҳайит намози тонгида олинган.

Д. АҲМАД суратлари.



«КИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ—93» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИДА

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН республикаси ҳукумати қишлоқ хўжалигини устун даражада ривожлантириш сисъатини юритмоқда. Шу боис ҳукумат бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдаки, бу қишлоқ хўжалигини ривожлантирибгина қолмай, балки унинг технологиясини етук даражада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Кеча «Ўзэксцентр» (Илгариги Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси) биносида «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг юксак техникаси—Қишлоқ хўжалик маҳсулоти—93» халқаро кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазмада дунёнинг саниқта мамлакатидан 20 та фирма қатнашмоқда. Жумладан, Италиянинг «Фата» фирмаси мева-сабзавот, дон ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, сақлайдиган, қадоқлайдиган қурилмаларни кўргазма иштирокчиларига тавсия этмоқда.

— Фирмамиз,— дейди «Фата»нинг тижорат ишлари бўйича директори Энио Киппа,— ўзбекистонликлар билан кенг қўламда ҳамкорлик қилишга тайёр. Биз юк-

сак технология асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан то соғишгача бўлган жараёнда иш юритмоқчимиз. Ҳозирча бизнинг технологиямизга кўччилик катта қизиқиш билан қарамоқда.

Шунингдек, ушбу кўргазмада Франциянинг «Астин» фирмаси озиқ-овқат sanoati учун жумладан, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишловчи, алкогосиз ичимликлар ва минерал сувлари, нон ва нон маҳсулотлари ҳамда қандолат ишлаб чиқаридиган машиналар ҳамда қурилмалари билан иштирок этмоқда. Булардан ташқари «халқаро кўргазмада Германиянинг «Скет», Венгриянинг «Хемимас», Польшанинг «Полимех» — «Секор», Австриянинг «Ласка» ҳамда Россия, Қозғоғистон ва Ўзбекистон республикалари ўзларининг ёғ олиш имконини берадиган пресслаш, пеклаш, маҳсулотларни қадоқловчи қурилмалар, совуткичлар, ошқона, дўно ва барча турдан кичик корхоналар учун мўлжалланган машина-механизмлари билан қатнашмоқда.

Ҳ. ШАҒОАТОВ.

КИНОЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Мамлакатимизда Наврўз байрами давом этаятган шу кунларда Анкарадан хушхабар келди. Киночиларнинг Туркияда бўлиб ўтган халқаро фестивалда ҳамюртимиз М. Маҳмудов режиссёрлик қилган «Биллард воқеаси» ўзбек мультфильми Чехословакия ва Англиянинг шу хил фильмларидан кейин

учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Фестивалда Янгирмадан кўпроқ мамлакат киночиларининг 50 та мультфильми намойиш этилган. (ЎЗА).

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.



Душанба, 29. III

● УЗТВ I

- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тинимсоҳ» — мушук. Мультфильм.
18.20 «Киниктой»га мактублар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 «Деҳқончилик ислоҳоти. Республикаси қишлоқ хўжалик юзаштиларининг мавбатдаги кенгаши олдидан.
19.55 Эълонлар.
20.00 Дунё хабарлари.
20.10 Қашқадарь алоқоти «Китоб гуллари» ансамблининг концерти.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 «Ўзбекистон» — келажак буюк давлат.
21.25 «Барҳат новолар». Комилжон Отанбеков.
22.50 «Катта қўлда оркестр билан». Бадий фильм.
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
● УЗТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ
18.30 «Ассалому алайкум» [тақрор].

- 19.30 Бөлалар учун. «Соғна».
20.00 «Лазза». Хабарлар.
20.15 «Бизнинг сўхбати».
20.30 «Миршорлар».
21.00 «Бевосита мулоқот».
22.00 «Лазза». Хабарлар.
● «ОРБИТА IV»
4.55, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якулар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Саниқзоиблар». Мультфильм.
8.30 «Турналар ўчоқда». Бадий фильм.
10.20 Халқ охаңлари.
10.30 «Горьчев ва бошқалар». Бадий телесериал премьераси. 9-серия.
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Ел».
11.30 «Сизин В. Канделани тавлиф этди».
13.00 Тенис. Девис кубоги. Россия — Германия терма командалари. «Олимпиадий» спорт комплексидан кўрсатилади.
14.00 Янгиликлар.
14.25 «Телемист».
15.10 «Ен дафтар».
15.15 «Цирк цирки».
15.20 «КОАПП». Мультфильм. 1—3-сериялар.

- 15.50 Бөлалар телевидениеси уюшмаси лелойиш этади [Минис].
16.20 «Икболни кулганда».
17.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
17.20 Давлатлараро «Останино» телеканални «Биз яшамини истаимиз» кўрсатувини талкиштиради.
17.40 «НЭП».
18.15 «Ел».
18.45 «Сиз учун учрашулар». Виктор Астафьев.
19.40 Хайри тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Горьчев ва бошқалар». Бадий телесериал премьераси. 9-серия.
20.55 «Спорт уик-энди». «Янги студия» танкиштирди.
21.10 «Бомонда».
21.30 «Бирок».
21.50 «АТВ-Брокера».
22.05 «Даракчи».
22.25 «Джема-сейши» [Е. Шифрин ва унинг юдузлари]. Тамафрус лайтда [23.00]. —Янгиликлар.
● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
17.00—19.25
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
19.25 Душанба кунин даветини «Лани страйн» танкиштирди: «Эсин дўстларингиз ишонма». «Корвалд» филми. Туркумдан бадий фильм (АҚШ).
20.25 — 24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

Абдулла Қодирий вақфи (жамғармаси) Ўзбекистон Ешлар иттифоқи Марказий Қўмитаси Ўзбекистон телерадиоканализи «МУШТУМ» ЖУРНАЛИ
Абдулла Қодирий 100 йиллиги олдидан Наманганлик қизиқчи Рустам ҲАМРОҚУЛОВ хотирасига бағишланган

«ҚИЗИҚЧИ — 93»

Республика ёш қизиқчиларининг анъанавий танловини шу йил май ойида Наманган шаҳрида ўтказадилар. Танловга 16 ёшдан 35 ёшгача бўлган зукко, тили бурро, танилган ва танилмаган сўз усталари ва қизиқчилар қатнашишлари мумкин. Аризалар: 10 апрелгача Тошкент шаҳар Туроб Тўла кўчаси, 1. 214-хонада қабул этилади. Тел: 45-74-66, 45-75-25.
ТАШКИЛИЙ ҚўМИТА. (Эълон хайрия тариқасида бепул чоп этилмоқда).

31 март соат 17.00 да «Марказий Пахтакор» стадионинда
* Футбол *

бўйича Ўзбекистон республика биринчилиги учун (олий лига) учрашув ўтказилади. «Пахтакор» Тошкент жамоаси Янгирнинг «Янгир» клубини қабул қилади.

Қўтлов

Барча мусулмонларни уйғончи, яшариш ва севаги фасли баҳор — Наврўз байрами билан муबारкбод этаман. Сизларга тинчлик, бахт-саодат ва меҳр-оқибат ҳамиша йўлдош бўлсин! Сиз каби Оллоҳнинг бир мўминини:
Р. МУСЛИМОВ.

ФАҚАТ БИЗДА!
Тошкент омироридан қуйидаги энг ранг-баранг фирмулар
ТЕЗ ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ.
● Аторлик пистонлари (диаметри 12 мм).
● Кийим-бош пистонлари (14 мм).
● Кийим — бош пистонлари (14 мм).
● 94, 96 хольнитон (ЗСП)лар.
● 02 блочалар.
54-69-89 телефонига қўнғироқ қилишга шошлинги!

Тошкент вилояти таом концерни жамоаси Бек-обод металл заводи қошидаги умумий оқватланши акционерлик жамияти раси Раҳматулла Маъруповга ва унинг оила аъзоларига падали бузруквори Мулло ҚОСИМ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Сешанба, 30. III

● УЗТВ I

- 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Жар». Бадий фильм. 1—2-сериялар.
9.40 Дунё хабарлари.
9.50 «ЭКОСА» — эл хизматида.
10.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари [АҚШ].
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ялқов». Мультфильм.
18.20 «Томоша» театр-студияси.
18.55 «Спортлото».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.20 «Табият мажудотлари».
19.55 Эълонлар.
20.00 Дунё хабарлари.
20.10 «Қардошлик тароналари». Қодир Жўрақулов куйлайди.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 «Навоийгонлики». Бадий кўрсатув.
21.35 «Ички дил достони». Бадий фильм.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

- УЗТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ
18.30 «Уолт Дисней танкиштради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 Даира сўхбати.
20.00 Ўзбекистон Давлат телерадиоканализининг келмер оркестри ижро этади.
20.40 «Дайкалтарош мижозхонасида».
21.20 «Тадбиркорлар».
22.20 «02» тўлимида.
22.40 Эълонлар. «Киноингоҳ».
● «ОРБИТА IV»
4.55, 14.20, 17.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастик.
5.45 «Тонг».
5.20 «Тингланг, томоша қилинг».
8.40 «Оддий Мария». Кўп сериали телеанзон бадий фильм премьераси.
9.30 Ж. Россини. 2-соната.
9.45 Мантаб ўқувчиларининг таътили кунларида. «Кизил Шилкача ҳақида». Телеанзон бадий фильм. 1-серия.
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
14.00 Янгиликлар.
14.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».

- 14.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
15.10 «Ен дафтар».
15.15 Оп-сингил Кишилар куйлайди.
15.30 «КОАПП». Мультфильм. 4—6-сериялар.
16.00 «Истеъдоқлар ва муҳлислар».
16.50 «Технодром».
17.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
17.25 Давлатлараро «Останино» телеканални «Доним хузурда меҳмонда» кўрсатувини танкиштиради. Украина Президентини Л. М. Кравчук билан сўхбати.
18.05 «Оддий Мария». Кўп сериали телеанзон бадий фильм премьераси.
18.55 «Маазуз».
19.40 Хайри тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.20 Хоккей. Лига кубоги. Финал. 2 ва 3-давралар [олиб кўрсатилади].
22.00 «Эфирда мусиқа». 1-қисм.
23.00 Янгиликлар.
23.35 «Эфирда мусиқа». 2-қисм.
00.35 «Матбуот-экспресс».

- «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.35 «Сиз яратган бор».
8.25 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
8.40 Маза, таътиллилар! «Экинчи тўғай эзда қолади». Бадий фильм.
9.25 «Ҳамоҳанглик».
9.35 Кундузги сеанс. «Италия». Бадий филми.
11.15 Мультфильмлар.
11.35 «Киноингоҳ». Дига Вартов ханида кўрсатув. «Донбасс симфонияси». Хужжатлик филми.
14.00 Мультфильмлар.
14.10 «Деҳқонларга таалуқли масала».
14.30 Янгиликлар.
14.45 Мультфильмлар.
14.55 «Мансаб алифбоси». «Полюк».
15.10 Трансроссэфир. «Полюк».
15.35 «Аз есмь».
16.25 «Дабфи» дун ва динозавр. Мультфильм (АҚШ).
16.40 «Умид билан...».
17.00—21.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
21.25 «Асия холча».
22.20 Спорт кўрсатув.
22.25 «Фортуна» телеканални, Филлип Кириоронинг «Атлантида» шоу-томошаси.
23.25 Россия Федерациясини Олий Ненгашининг сессиясида.

Тошкент ҳақиқати
МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.
БИЗНИНГ МАНЗИЛҒОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
АХБОРОТ, ТИЖОРAT ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.
Телефонлар:
● Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.
● Фант ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъуддилар.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.